

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши..... 79

К.ТошовИккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт
ортидаги фаолияти 84**Г.Эгамбердиева**Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш босқичлари (XX асрнинг иккинчи
ярми – XXI асрнинг биринчи чораги) 89**И.Гуломов**1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари
айрим рақамларда 94

АДАБИЁТШУНОСЛИК**О.Туйчиева**

«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазира сифатида 99

З.Яхшиева

Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги 103

Ф.Икромхонова

АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши 107

О.Дадажонов

Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини 111

ТИЛШУНОСЛИК**С.Хашимова**

Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари 114

О.БегимовЖанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва
тасаввурларнинг мотивланиши 119**З.Акбарова**

Оlam лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили 124

Г.ҲакимоваИнглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг
семантик таҳлили ва уларнинг миллний-маданий хусусиятлари 129**У.Раҳмонов**

Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили 133

А.Уралов

Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Л.Аҳмедова**Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва
амалиёт 143**С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов**Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда
акцентланган дарсларининг самарадорлиги 150

ИЛМИЙ АХБОРОТ**Г.Тиллабаева**

Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала 155

О.АхмаджоноваБессел-Клифффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг
хоссалари 160**К.Ражапов, И.Хомидов**Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб
ешиш 163

АДАБИЁТШУНОСЛИК

УДК: 41+655.51

«ЖАВОҲИР УЛ-АЖОЙИБ» АЁЛЛАРГА АТАЛГАН ИЛК ТАЗКИРА СИФАТИДА

«ДЖАВАХАР УЛЬ-АДЖАЙИБ» КАК ПЕРВОЕ ТЕЗКИРЕ, ПОСВЯЩЕННОЕ ЖЕНЩИНАМ

“JAVAHIR AL-AJAIIB” – THE FIRST TAZKIRE DEVOTED TO WOMEN

О.Туйчиева

Аннотация

Мақолада Фахрий Ҳираевийнинг аёлларга бағишиланган илк тазкираси – “Жавоҳир ул-ажойиб” ҳамда тазкиранинг дунё кутубхоналарида сакланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот берилган.

Аннотация

В статье представлены сведения о первом тезкире Фахрия Хирави «Джавахар уль-аджайиб», посвященной женщинам, а также о копиях рукописи данной тезкире, которые содержатся в фондах библиотек мира.

Annotation

This article is dedicated to Fakhri Kharavi's scientific work by the name of "Javahir-ul-ajaib", which is a rich literary heritage and the first tazkire about the prominent women of Central Asia and Middle East. It also provides interesting facts about tazkire manuscripts kept in different libraries of the world.

Таянч сўз ва иборалар: тазкира, тазкиранавислик, “Жавоҳир ул-ажойиб”, Фахрий Ҳираевий, қўлёзма нусха, манба.

Ключевые слова и выражения: тезкире, тезкиреведение, «Джавахар уль-аджайиб», Фахри Ҳираеви, копия рукописи, экземпляр, источник.

Keywords and expressions: tazkire, tazkire studies, Javaahir-ul-Ajayib, Fakhri Kharavi, manuscript, source

Тазкиралар адабий ҳамда тарихий меросни ўрганишда муҳим манба сифатида хизмат қилиш билан бирга, ҳар бир давр бошқа даврдан ўзининг муайян сиёсий-ижтимоий давридан фарқ қилишини кўрсатиб беради.

1960 йилларда устоз Мақсуд Шайхзода таклифларига кўра, тазкиралардан аёл шоиралар ҳақида маълумот излаш бошланган. Шу йиллар мобайнида ўттизтадан ортиқ тазкира, кўплаб баёзлар ва гулчинлар кўриб чиқилди.

Тарихдан маълумки, аксарият ҳолларда фақат сарой аёлларигина илм билан шуғулланишга муваффақ бўлганлар. Улар илм саҳналарида сезиларли даражада ўзларини кўрсата олмаганлар. Шундай бўлса-да, Шарқ аёлларидан етишиб чиққан сўз санъаткорлари ҳам анчагина, бироқ шунда ҳам улар Ҳижобий, Ниҳоний, Махфий каби тахаллуслар билан ижод қилганлар. Бунинг исботини биз шоиралар ҳақидаги тазкиралардан кўришимиз мумкин.

Туркий тил сultonи Мир Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида уч шоира ҳақида тўхталиб ўтилганини кўрамиз. Буларнинг бири Мехрий Ҳиротий, иккинчиси

Бедилий ва Биче (Бибича) Мунажжималардир [5].

Мир Алишер Навоий даврида замоннинг ижтимоий-сиёсий шароити аёллар ҳақида маълумот йигиб, зикр этмасликка унданаган. Шу сабабли Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида 459 шоир ҳақида маълумот бергани ҳолда атиги уч шоирани сўзаро айтиб ўтган.

Аммо даврнинг ўтиши ва дунёқарашларнинг ўзгариши сабабли Шарқ адабиётида Шарқ аёллари ҳақида ҳам тазкиралар ёзиш бирмунча ривожланди. Масалан, Сайид Мухаммад Сиддиқ Баҳодирнинг “Шамъи анжуман”, Мухаммад Зеҳнийнинг “Машоҳир ун-нисо”, Мухаммад Музҳар Ҳусайнининг “Рўзи равшан”, Сайид Али Ҳасанхоннинг “Субҳи гулшан”, Лутф Али Озарнинг “Оташкада”, Фахрий Ҳираевийнинг “Жавоҳир ул-ажойиб”, Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-аълом”, Мир Ҳусайндўст Санбаҳлийнинг “Тазкираи Ҳусайний”, Ризоиддин бинни Фахриддиннинг “Машҳур хотунлар”, Шерхон ибн Али

О.Туйчиева – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, мустақил тадқиқотчи.

Аҳдийнинг “Ништари ишқ”, Вожид Алиниңг “Матла ул-улум”, Амир Музаффар Ҳашматнинг “Тазкират уш-шуаро” каби асарлари шулар жумласидандир [1, 6-7].

Ана шундай тазкиралардан яна бири Мұхаммад ибн Мұхаммад Рофеъ маликул Китобнинг «Тазкират ул-хавотин» (1884-85) тазкираси бўлиб, унда XII асрдан то ўз замонасигача бўлган форс, араб ва турк тилида ижод қилган 177 шоира ҳақида маълумотлар, ривоятлар ва ҳикматлар келтирилган.

Мулла Мұхаммад Сиддиқ Охунзода Хиротийнинг 1904 йилда ёзилган «Тазкират ун-нисо» тазкираси ҳам шулар жумласидандир. Унда 140 шоира ҳақида маълумотлар ва ривоятлар келтирилган.

Мога Раҳмонийнинг «Парда нешинонэ-сухангүй» тазкирасида эса 136 аёл ҳақида маълумотлар келтирилиб, асар XI-XIX асрларни ўз ичига олади (1952 йилда ёзилган).

Ушбу манбаларда аёллар ҳақида ҳақиқат билан бир қаторда афсоналар ҳам ўрин олган. Мазкур тазкираларда Робиа (Х аср), Исматий ва Ойша Самарқандий (XI аср), Муниса Маҳастий (XII аср), қошғарлик Мутриба (XIII аср), хоразмлик Подшо Хотун

از مودیم، بیکجر عه می حاصل بود	حل هر نکته، که بر پیر خرد، مشکل بود
در هر کس که زدم، بیخود و لایعقل بود	گفتم: از مدرسه پرس سبب حرمت می
لاله سوخته، خون در دل و، پا در گل بود	در چمن، صبح دم از گریه، از ناله من
سرح چشم تو نیدم، همه را شامل بود	انچه از بابل و هاروت، روایت کردند
حیفو صد حیف! که آن دولت مستعجل بود	دولتی بود، تماشای رخت، {مهری} را

“Жавоҳир ул-ажойиб” форс адабиётида шоира аёлларга бағишинланган биринчи тазкира сифатида ўта аҳамиятлиdir. Бундан аввал факат Авфий бир шоира Робия Ҳаздариини зикр қилган ва ундан сўнг Давлатшоҳ Маҳастийни орада айтиб ўтган.

Фахрий “Жавоҳир ул-ажойиб”да биринчи марта ўттиз бир нафар шоирани зикр этиб, маълумот берib, кейинги тазкиранавислар учун йўл очиб берган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ҳазрат Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" да уч шоирага тўхталиб ўтган, Фахрий ҳам “Жавоҳир ул-ажойиб”да худди шу аёлларга таъриф берган;

Бедилийга “Жавоҳир ул-ажойиб” да берилган таъриф айнан Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и каби бўлса ҳам, аммо тўлиқ таржима қилинмаган [3,23-76].

Биче Мунажжимага “Жавоҳир ул-ажойиб”да берилган таърифу таснif

(XIV аср), Алишер Навоий замондошлари: Мехрий, Хайринисо, Гавҳарбегим, Дишод Хотун, Оқабека, Мунажжима, Бедилий кабилар, Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс” асарида номлари қайд этилган шоиралар Гулбадан, Гулруҳ, Нуржаҳон, Зебуннисо, Вазирузнисо, Бузургий, Салима, Зайнатулнисо, Жаҳоноро (XVII аср)лар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот топиш мумкин.

Айтиш лозимки, шоира аёллар ҳақиқати илк тазкира “Равзат ус-салотин”нинг муаллифи Мұхаммад бин Амирий Фахрий Хиравий форс адабиётининг илк даврларидан яшаб ижод этган шоиралар ҳақида маълумот тўплаган ва “Жавоҳир ул-ажойиб” тазкирасини яратган.

“Жавоҳир ул-ажойиб”нинг муққаддимасидан маълум бўлишича, Фахрий “Тұхфат ул-Ҳабиб”нинг мажмуасини варақлаётib, Мехрий томонидан Ҳофизнинг “پاد باد انکه، سر کوی توا، منزل بود دیدمرا، روشنی از خاک” матлаъи билан бошланувчи ғазалига ўта юксак маҳорат билан ёзилган куйидаги жавобия ғазалидан таъсирланиб, шоиралар ҳақида тазкира яратишга аҳд қилган:

مکانیم، بیکجرا می حاصل بود	حل هر نکته، که بر پیر خرد، مشکل بود
در چمن، صبح دم از گریه، از ناله من	گفتم: از مدرسه پرس سبب حرمت می
انچه از بابل و هاروت، روایت کردند	در چمن، صبح دم از گریه، از ناله من
دولتی بود، تماشای رخت، {مهری} را	دولتی بود، تماشای رخت، {مهری} را

“Мажолис ун-нафоис” дагидан бошқачароқ, аммо маъно ва моҳият бир хилдир [3,124].

Мехрийга эса, Фахрий ҳамда Алишер Навоийлар жуда гўзал ҳамда бошқаларга нисбатан кўпроқ маълумот берип, унинг ғазалларидан мисоллар келтиришган [3,192].

Фахрийдан кейин Розий, Тақи Коший, Тақи Овҳадий, Вали Догистоний, Шерхон Лўдҳий ва Латиф Али Озарлар форсийда ўз тазкираларида шоира аёллар ҳақида тазкира ёзадилар. Булардан Шерхон ва Озарлар ўз тазкираларининг хотимасида, аёллар (шоиралар) учун алоҳида боб тузганлар. Озар саккиз ва Шерхон ўн беш шоирани тилга олган.

“Жавоҳир ул-ажойиб” қисқа бўлса-да, мазмун-моҳияти ва маълумотлари билан жуда ноёбдир. Агар Фахрий аёлларга бағишинланган бу тазкирасини ёзмаганида, бу шоиралар ҳақиқати маълумотларгина эмас, балки уларнинг шахслари, ному-нишонлари

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳам аён бўлмай, тарихда қолиб кетган бўларди.

Тақи Коший ва Тақи Овҳадийлар ўз тазкираларида “Жавоҳир ул-ажойиб”дан кўп фойдаланганлар. Хусусан, Овҳадий ўз тазкирасида “Жавоҳир ул-ажойиб”нинг катта қисмини кўчириб олган.

Бу асарнинг турли нусхаларида шоиралар сони турлича берилган. “Жавоҳир ул-ажойиб”нинг нусхалари жуда ноёбdir. Ҳозирча анча маълум нусхалари кўйидагилар:

1) Бухар коллекшан, Калькутта, 482 рақамли битта нусха. Бу нусха ўн

олти варакдан иборат бўлиб, ҳар саҳифада ўн тўрт сатр бор.

2) Патна Банкипур нусхаси 1098 рақамли тўпламда, ўттиз иккинчи рақам остида бир юз ўттиз тўққизинчи бетдан ушбу тазкира бошланади.

3) Будлин 362 рақамли нусхаси, бунда йигирма нафар шоира зикр этилган 1195 хижрийда ёзилган, оддий настаълиқда (190-198гача). Библиограф буни қисқа нусха, деб атаган.

4) Караби, Миллий музейдаги нусха. Олимлар асл деб топган нусха. 11 та варакдан иборат бўлиб, 15 сатр берилган, настаълиқда ёзилган.

5) Ҳайдаробод-Саид Шамсуллоҳ Қодирий қайси кутубхонада сақланишини зикр этмаган. 1968 йилда Аврангободда чоп этилган.

6-7) Агадҳ кутубхонасидаги нусхалар. Агадҳдаги Шоҳ кутубхонада мавжуд бўлган нусхалар ҳозирча қаердалиги номаълум. Буларда йигирма нафар аёл ҳақида маълумот берилган.

8) Кўлкишур, Лакҳнав. Мархум Кўлкишур буни икки марта нашр қилдирган. Биринчи бор 1873 йилда ва иккинчи бор 1880 йилда. Ҳар иккала нашр нусхаси йигирма уч саҳифадан иборат ва уларда йигирма етти нафар шоира ҳақида маълумотлар бор [3].

Саид Хисомиддин Рошидий ўзининг “Равзат ус-салотин” ва “Жавоҳир ул-ажойиб” нашрига ёзган дебочасидан маълум бўлишича, Фахрий шоҳ Ҳасаннинг хотини Ҳожи Моҳ Бегим билан борди-келди қилиб турган. Шоҳ Ҳасан Арғувонийнинг ўлимидан сўнг, Арғувон қавмининг хамдардлигига эришиш мақсадида, Шоҳ Тархон унинг бевасига ўйланган.

Шоҳ Ҳасандан сўнг Синдҳ иккига бўлинib кетди. Юқори Синдҳда Султон Маҳмуд Баҳрий ҳукмронлик қиларди, унинг тасарруфида ҳам сарой бўлиб, қатор адибу олимлар шоҳ ҳомийлигидан фойдаланар эдилар. Фахрийнинг айнан Тархан саройида қолишининг асосий сабаби Ҳожи Моҳ Бегим бўлиши керак. Агар Фахрий бевосита Исо Тархан [2] билан муомалада бўлганида, асарини айнан Исо Тахмасп номига бағишлаган бўларди.

Янги ҳукуматнинг ўрнатилиши биланоқ Фахрийга хотиржамлик насиб этмади. Иккала рақиблар ўртасида жанг-низолар бошланди. Бу воқеалардан сал аввал, Фахрий томонидан 962 хижрий сўнгида ёки 963 хижрийнинг бошларида аёл шоиралардан Моҳ Бегимга бағишланган тазкира – “Жавоҳир ул-ажойиб” ёзид битирилган эди. Фахрий бу асарни Моҳ Бегимга кўрсатгани, унга берган-бермагани аниқ эмас. Сабаби, мудҳиш воқеалар бошланиб, бунга таъсир қилган бўлиши мумкин.

Тҳанта вайрон бўлган бир пайтда Ҳиндистонда таҳтга Ақбаршоҳ ўтиргани ҳақидаги хабар тарқалади. Синдҳда 16-17 йил умр кечирган, ҳозирда на бугуни ва на эртаси маълум Фахрий Ҳиндистонга йўл олади. Ақбаршоҳ саройида Ақбаршоҳнинг энагаси Жижи Бегим, яъни Моҳим Инганинг таъсири катта эди. Унинг айтганларини шоҳ инкор қилмасди. Фахрий учун подшоҳ назарига тушишнинг воситаси шу аёл эди. Шунда у “Жавоҳир ул-ажойиб”дан фойдаланади. Унинг дебочасига баъзи ўзгартишлар киритиб, асар сўнгида унинг номига бир қасида бағишилаб, асарни Моҳим Ингага бағишилаб юборади ва унга бир нусхасини тақдим этади. Моҳим Инга бу асарни шоҳ ҳузурида намойиш этиб, шоҳдан 500 ашрафий Фахрийга тухфа қилади. (Кўлкишарда чоп этилган нусха Моҳим Ингага бағишиланган). Ҳар иккала дебоча хусусида иккита жиҳат аниқланган:

а) Кўлёзма нусханинг биринчи саҳифаси йўқ бўлса-да, айтиш мумкинки, асар Синдҳда ёзилган-Мирзо Исо Тархон даврида.

б) Фахрий Ҳожи Бегим-Моҳим бегим хизматида бўлиб турарди, бир кун у кишининг ҳузуридан қайтаётганида, шу асарни ёзиш истаги туғилди.

Ҳиндистонга келгач, Фахрий асарнинг дебочасини бутунлай ўзгартириб,

Ақбаршохнинг энагаси, ҳазрати Моҳим Бегим номига бағишилаб юборади ва асар

ذره خورشید تابان را نباشد اعتبار
آنکه شد پرورده او را در شاهی بر کنار
آن چنان ماهی که خورشید ش بود آینه دار

(яъни:

....Рой ёнида бўлган, ул сийрат фалак малак,
Қуёш зарралари каби эътибордан четда қолмас.
Билқис қадар қудратли баҳтли бўлган Моҳим,
Шоҳликгача ул зотни тарбиялади.
Қуёшда ойна бўлган ой каби,
Улуғ Ройнинг аскарларида ой нурлари.

“Жавоҳир ул-ажойиб”нинг дебочаси Шоҳ Ақбар туфайли ўзгартирилгани боис, нисбатан шоҳ Тахмаспни тилга олиш жоизроқ эди. “Жавоҳир ул-ажойиб”нинг янги дебочасида Синҷхга келиб яшагани хусусида гап боради, бироқ шоҳ Ҳасан билан ўн олти йил ҳамкорликда яшаганини беркитади. Бунинг сабаби фақат битта бўлиши мумкин, Ақбаршохнинг отаси Ҳумоюн ва Ҳасан Арғувон ўртасидаги алоқалар номақбул бўлган. Шу боис муаллиф отаси билан ёмон муомалада бўлган шоҳ номини ўғли олдида зикр қилишни ножоиз деб топган. [3,132-297]

Тарихдан кўплаб шоирларнинг шундай хатти-ҳаракатлари маълум, яъни бир ҳомий подшоҳ вафот этгач ёки таҳтдан кетгач, кўплаб шоирлар иккинчи бир подшоҳнинг ҳомийлигни олиш илинжида мадҳ этиб кетаверишган. Худди шундай Фахрий ҳам

сўнгиди бир янги қасидани Моҳим Бегимга айнан бағишилаб, деб ёзиб қўшиб қўяди.

آن مлк سیرت فلک قدری که، پیش رای او
کامگار بخت و دولت ماهم بلقس قدر
برسپهر نیک رای ماه تابانی تمام

зарурат юзасидан, аввал Ҳумоюннинг Синҷдан ҳайдалиш муносабати билан шоҳ Ҳасанни улуғлаган бўлса, кейинчалик айнан ўша Ҳумоюннинг ўғлини мадҳ этиб, унинг марҳаматидан фойдаланган. Бу асар Фахрийнинг 16-17 йил мобайнида Синҷда хотиржам ва осуда ўтказган кезларида ёзилган сўнгги асари эди.

Тазкирада 31 шоира ҳақида маълумотлар ва шеърларидан намуналар келтирилади, улар ҳақида қизиқарли янги фикрлар, тазкираларда келтирилмаган шеърлар ҳамда йигирмадан ортиқ шоира ҳақидаги маълумотлар, айниқса уларнинг туркийдаги шеърлари, адабиётимиз тарихини, адабий алоқалар тарихини ўрганишда ғоят қимматлидир[4]. “Жавоҳир ул-ажойиб” шоира аёлларга аталган илк тазкира сифатида ҳам форс адабиётида ўзига хос ўринга эгадир.

Адабиётлар:

1. Махбуба Қодирова. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдирини. – Т.: “Фан” нашриёти, 1977 й.
2. Мирзо Мухаммад Исо Тархон, ҳукмронлик даври (962-973 х). Қаранг: Сайд Ҳисомиддин Рошидий нашри. “Равзат ус-салотин” ва “Жавоҳир ул-ажойиб”. Ҳайдаробод: “Вафоий”, 1968.
3. Сайд Ҳисомиддин Рошидий нашри. “Равзат ус-салотин” ва “Жавоҳир ул-ажойиб”. Ҳайдаробод: “Вафоий”, 1968.
4. Суйима Ғаниева. Навоий насли нафосати. – Т.: Тошдши, 2000.
5. Суйима Ғаниева. Уларни Навоий тилга олган. “Саодат” журнали, 1968 йил 9-сон.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).